

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Эргашов Яшнаербек Истам ўғли

ТИҚХММИ Миллий тадқиқотлар университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, “Математика ва табиий фанлар” кафедраси ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7295055>

Аннотация. Деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ривожланишини назарий асослари назарий жиҳатлари ёритилган. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг ривожланиши учун янги ёндашувларни, модел ва усулларни излаш ҳамда жорий этиш ҳақида кенг баён этилган. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Калит сўзлар: деҳқон хўжалиги, фермер, аграр тармоқ, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, реализация, мева-сабзавотчилик ва узумчилик.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. Объяснены теоретические аспекты развития агрохолдингов. Широко описан поиск и внедрение новых подходов, моделей и методов развития сельскохозяйственной деятельности. Изучены факторы, влияющие на развитие сельскохозяйственной деятельности.

Ключевые слова: фермерство, фермер, аграрная сеть, сельскохозяйственные поля и питомники, деревья, продуктивный скот, птица, сельскохозяйственная техника, реализация, плодоовощеводство и виноградарство.

THEORETICAL BASIS OF THE DEVELOPMENT OF FARM ACTIVITIES

Abstract. The theoretical aspects of the development of the agricultural holdings are explained. The search for and implementation of new approaches, models and methods for the development of agricultural activities is widely described. Factors affecting the development of agricultural activity have been studied.

Key words: Farming, farmer, agrarian network, agricultural fields and nurseries, trees, productive livestock, poultry, agricultural machinery, realization, fruit and vegetable growing and viticulture.

КИРИШ

Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида йўлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тоъғрисида”ги ПФ-5199-сон фармони, 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада

ривожлантириш боъйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3318-сон қарори белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги ҳолатлар ўрганилди.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

“Дехқон хўжалиги”, “Дехқон хўжаликларини ташкил қилиш” асарларининг муаллифи А.В.Чаянов дехқоннинг шахсий манфаат ва меҳнатини инобатга олиб, “Дехқон хўжалигининг вазифаси – хўжалик юритаётган оилага ўзининг ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан тўлароқ фойдаланиш орқали ҳаётий зарур воситаларни топишдан иборатдир” дея таъриф берган. Шу ўринда А.В.Чаяновнинг илмий ишлари бевосита дехқон хўжалигини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга қаратилгани эътиборга моликдир. Унинг асарида дехқон хўжаликларини хўжалик юритиш субъекти сифатида шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари узок изланишлар ва тадқиқотлар натижасида ривожлантирилиб келса-да, аммо уларнинг асосида зиддиятли фикр-мулоҳазалар ҳам учрайди.

Россиялик яна бир иқтисодчи Д.Ф.Вермел дехқон хўжалигини ривожлантиришда, энг аввало:

деҳқон хўжалигини ташкил этишда унинг ер участкасини аниқ ўлчовларга биноан тақсимлаш;

айниқса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун дехқон хўжалиги негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни барпо этиш, уларни етакчи хорижий компанияларнинг илғор технология ва ускуналари билан жиҳозлаш;

пировард натижада сифатли, рақобатбардош, экспортбоп маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш устувор вазифа сифатида белгилаб олишлик муҳимлиги қайд этилган.

Дехқон хўжаликларини ривожлантиришга катта аҳамият берилишига яна бир муҳим сабаб шуки, ушбу субъектларни самарали фаолият юритиши йирик инвестиция талаб қилмаган ҳолда турғун фаолият юритишлари билан боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат муҳитининг яратилиши ушбу соҳада кўпроқ инқирозга олиб келишдан кўра ривожланишини таъминлайди. Шу туфайли, дехқон хўжаликлари деярли инқирозга учрамайди, бозорнинг ўзгарувчанлигига тез мослашиш қобилиятига эга.

Шу боис, бизнингча дехқон хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишни рағбатлантириш қуйидаги ижобий натижаларга эришиш имконини беради:

- меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга ҳамда шу тариқа ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга эришилади;

- аҳолининг реал даромадларини оширишга, шунингдек, қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашга эришилади;

- аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга муваффақ бўлинади. Ер участкалари олган оилалар картошка, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотига бўлган ўз эҳтиёжларини кондирибгина қолмай, балки уларни туман марказлари ёки шаҳарлардаги дехқон бозорларида сотишни анча кўпайтириб, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга улушини оширади;

- якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлинадик, бу ҳол аҳолини уй-жой билан таъминлаш, республика аҳолисининг коммунал (маиший) ва уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасидаги анчагина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради;

- фақат ижтимоий низоларнинг сабаби ва манбаларини бартараф этиш ҳисобигагина эмас, балки кишиларнинг шахсий томорқа ерларини ва боғ, дала ҳовли ерларини ободонлаштиришда фаол қатнашади.

Республикамиз деҳқон хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади, жумладан:

- деҳқон хўжаликлари айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш бўйича давлат билан шартномалар тузиши ҳамда маҳсулотларнинг бир қисмини давлат томонидан юқори нархларда сотиб олинишини таъминлаш (Германия, Исроил тажрибаси);

- мамлакат ички бозорини қўллаб-қувватлаш мақсадида паст рентабелли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сут, гўшт) ишлаб чиқарувчи хўжаликларни давлат томонидан рағбатлантириш (Германия тажрибаси);

- қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланган, мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришган, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этган хўжаликларни иқтисодий рағбатлантириш (Германия, АҚШ, Исроил тажрибаси);

- мамлакат қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришга таянган ишлаб чиқариш анъаналарининг сақлаб қолинганлиги (Германия, Исроил тажрибаси);

- оммавий кооперация тамойиллари асосида кооперация муносабатларини такомиллаштириш ҳамда деҳқон хўжалиklarининг бир нечта бирлашма ва кооперативлар аъзоси сифатида фаолият юритишига йўл кўйилиши (Германия ва Исроил тажрибаси);

- энг керакли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланган сут, гўшт маҳсулотлари, тухум ва картошкага нисбатан давлат квоталарининг мавжудлиги (Германия, АҚШ тажрибаси);

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан эмас, уни етиштиришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган деҳқон хўжалиklarига патент олиш ҳуқуқининг мавжудлиги (Россия тажрибаси);

- келажакда малакали фермерлар, деҳқонлар тарбияланиши юзасидан анъанавий саъй-ҳаракатларнинг мавжудлиги, жумладан, турли қишлоқ хўжалиги уюшмалари негизида маҳорат дарслари, тематик клублар, тажриба экин майдонларининг ташкил этилиши (Европа Иттифоқи, АҚШ тажрибаси);

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, атроф-муҳит ва қишлоқлар ҳолатини, қишлоқда турмуш сифатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш мақсадида “Леадеp” дастурий методологиясининг ишлаб чиқилгани (Европа Иттифоқи тажрибаси);

- оилавий фермаларнинг агроозиқ-овқат комплексида асосий кооперация субъекти сифатида фаолиятини рағбатлантириш ва такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Иқтисодий тадқиқотлар хизмати (ЭРС)нинг фаолият юритиши (АҚШ тажрибаси);

- мамлакат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолияти ва вазифаларининг аниқ ифода этиб берилгани, яъни:

- мамлакатдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг саломатлигини сақлаш ва касалликларга қарши курашиш;

- мамлакатда ортиқча ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ва нархларни барқарорлаштиришга ёрдам бериш (Исроил тажрибаси).

Дехқон хо'жалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти тариқасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ўзига берилган томорқа ер участкасида деҳқон хо'жалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

— етиштирилаётган ва реализатсия қилинаётган маҳсулотга мустақил равишда баҳо белгилаш;

— ўзи етиштирган маҳсулотини, шу жумладан, бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бо'йича реализатсия қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;

— харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ то'ланадиган фьючерс битимлари тузиш;

— тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда фойда олиш;

— қишлоқ хо'жалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мо'лжалланган акциялами сотиб олиш;

— ўз мол-мулкни, шунингдек, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан, кимошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қо'йиш.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари фаолиятни амалга ошириш учун кредит олишлари, бошқа юридик ва жисмоний шахсламинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан, деҳқон хўжаликларини кредитни узишнинг зарур гаров, суғурта ҳамда бошқа кафолатларини таъминланган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этишлари, шунингдек, хусусий кичик тадбиркорлик учун белгиланган имтиёзламинг барча турларидан фойдаланишлари мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Дехқон хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Аграр тармоқда мулкчилик субъектлари томонидан ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари иқтисодиётимизни ривожлантиришда самарали ўринни эгаллайди. Бу қуйидагиларда ифодаланади:

- аграр секторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши фақатгина деҳқон оиласини тامينлабгина қолмай, балки деҳқон ва фермер хўжаликлари товар хўжаликларига айланиб, бозор учун маҳсулот етиштириш кўникмаларини эгалладилар. Натижада республикамиз истемол бозори арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлди;

- бозор иқтисодиёти шароитларига мослашувчан хусусиятга эга бўлган кичик ишлаб чиқариш ва хусусий мулк хусусиятларини ўзида мужассам этган деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат билан тامينлаш масаласи ҳал этилди ва бу жамият ижтимоий барқарорлигини тامينлашда йирик манба бўлиб хизмат

қилди. Буни ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларининг 60-70 фоизи, алоҳида турлари бўйича эса 90 фоизи деҳқон хўжаликлари томонидан етиштириляётгани исботлайди;

- деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши кишлок жойларида бозор инфратузилмаларининг ривожланишига туртки бўлди;

- деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши рақобат-бардош, юқори сифатли кишлок хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва ушбу маҳсулотлами экспорт қилиш имконини туғдирди. Лекин амалга ошириляётган чора-тадбирлар ва эришилган-ижобий натижаларга қарамай ушбу тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришда бир қатор муаммолар тўсик бўлмоқда.

Жумладан:

- фаолият кўрсатаётган кўплаб деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг иқтисодий, ҳуқуқий ва технологик билимлари талаб даражасида эмас, шунинг учун ҳам фермерлар учун доимий равишда ўқув семинариан ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ;

- деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган сабзаот, мева ва бошқа маҳсулотларни сотишда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда маркетинг изланишларини йўлга қўйиш, деҳқон бозорларида махсус жойлар ажратиш ва улгуржи сотиб олувчи ташкилотлами ташкил қилиш орқали деҳқон ва фермер хўжаликларига ўз маҳсулотларини сотишда қулай шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир;

- деҳқон хўжаликлари ҳам бошқа турдаги кишлок хўжалик корхоналари каби тенг ҳуқуқли хўжалик юритиш шакли ҳисобланади, Деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш ва улами рағбатлантириш механизмини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш лозим;

- кишлок жойларда кишлок хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот-консалтинг хизматлари билан тامينлаш талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Ташкил этилган ахборот-консалтинг марказларининг техник имкониятлари чекланганлиги сабабли уламинг хизмат турлари кам, шунингдек, улар малакали кадрлар билан тامينланмаган. Кўпчилик фермерлар бундай марказламинг хизматидан фойдаланишни билмайди.

МУҲОКАМА

Деҳқон хўжаликлари ўзларига бириктирилган ерлардан унумли фойдаланиб, агротехник тадбирларни амалга оширган ҳолда тезпишар ва юқори ҳосил берадиган навларни жорий этиш ҳамда меҳнатни яхши ташкил этиш натижасида юқори ҳосилдорликка эришган. Кузатишлар натижасида шу нарсалар маълум бўлдики, кейинги йилларда вилоятнинг деҳқон хўжаликларида экин майдонлари экин турлари бўйича тақсимланишида асосий экин майдони сифатида дон, сабзаот, мева, узум ва картошка кабилар эътироф этилди. Бунга асосан 2006 йил 9-январдаги Президентнинг “Мева-сабзаотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Чунки боғ ва узумзорларга ажратилган ер майдонлари 2000 йилга нисбатан 26-28 фоизга ошган.

Деҳқон хўжаликлари фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг эконометрик моделини тузиш учун таҳлил қилинаётган иқтисодий натижаларидан фойдаланган ҳолда ялпи деҳқончилик маҳсулоти ошиши кўрсаткичининг моҳияти ва мансуб кишлок хўжалик тармоғининг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб деҳқон хўжаликлари фаолияти якуни (натижавий белги) ҳисобланган ялпи деҳқончиликдаги

маҳсулот ҳажми (млрд.сўм) - Й(т) танлаб олинди. Натижавий белгига таъсир кўрсатувчи боғлиқ ўзгарувчилар, яъни деҳқон хўжаликлариди муҳим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни оширишни ифода этувчи: ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ялпи чорвачилик маҳсулоти, деҳқон хўжаликлариди меҳнат билан банд бўлган аҳоли, деҳқон хўжаликларига бириктирилган экин майдони ҳамда бошқа омиллар танлаб олинди.

Деҳқон хўжалигини юритишдан кўзда тутилган мақсад ички исте'мол учун ва товар маҳсулоти яратиш, шунингдек бошқа фаолият турлари орқали ўзи ва оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Деҳқон хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат. Шунингдек, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда ҳисса қўшиш, ўзи жойлашган ҳудуднинг ижтимоий ривожланишини таъминлашда иштирок этиш каби бир қатор вазифалари ечишда ҳам деҳқон хо'жаликлари ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик шакллари билан бири сифатида бир қатор афзалликларга эга:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги бозор конъюктурасига тез мослашиш ва кўп маблағ сарфламай ўз фаолияти йўналишларини қайта шакллантириш имконини беради;

- оила меҳнатига таяниш уй бекалари ва болалар меҳнатидан, қариялар тажрибасидан унумли фойдаланиш ҳамда асрлар давомида шаклланиб келган деҳқончилик маданиятини авлоддан-авлодга ўтказиб боришга шароит яратади;

- хусусий мулк эгаллиги ҳамда ернинг мерос қилиб қолдирилиш ҳуқуқи билан умрбод эгалликка берилиши моддий манфаатдорликни оширади ва мулкдан оқилона фойдаланишга йўл очади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоятда деҳқон хўжаликлари сони, салмоғи жиҳатидан устун турувчи туманлар мавжуд. Бу туманлардан Чирокчида 49815 та (умумий сонига нисбатан 14 фоиз), Косон туманида 43832 та (12,3 фоиз), Қарши шаҳрида 43808 та (12,1 фоиз), Яккабоғда 39935 та (11,7 фоиз), Қамаши туманида 38200 та (11 фоиз) ва Қарши туманида 30000 та (10,2 фоиз), Нишон туманида 20200 та (9,8 фоиз) деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар вилоят иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас бўлаклари сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Демак “барча турдаги деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини самарали иш юритаётган деҳқон хўжаликлари даражасига кўтарилса, етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорини 1,8-2,0 марта кўтариш имкониятлари мавжуд”

Деҳқон хўжаликлари аграр соҳада янги хўжалик юритиш шакли сифатида шаклланиб бориши бир томондан ҳақиқий мулк эгаллигининг вужудга келишига имкон яратса, иккинчи томондан мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган корхоналар билан маълум даражада рақобат кураши муҳитини яратишга йўл очади. Деҳқон хўжалиги ички истеъмол ва майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан боғлиқ ҳамда хўжалик абзоларининг шахсий меҳнатига асосланган фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради. Деҳқон хо'жалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини инустақил равишда белгилайди. Мамлакатимизда деҳқон

хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 89-модда, 27-сон, 326-модда; 2017 й., 15-сон, 257-модда, 33-сон, 863-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8- феврал.
3. Раҳимов А.Н. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини економетрик моделлаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида): икт. фан. фал. док. дисс.– Т.: ТДИУ, 2020.–165 б.
4. Муҳитдинов К. С., Раҳимов А. Н. Yempirical models which were built for yeach sector of the service sector to the population of the region //South Asian Jurnal of Marketing & Management Research. – 2020. – Т. 10. – №. 12. – С. 72-85.
5. Раҳимов А. Н., Маҳматкулов Г. К., Раҳимов А. М. Construction Of Yeconometric Models Of Development Of Services For The Population In The Region And Forecasting Them //The American Jurnal of Applied sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 21-48.
6. Ғ.А.Саматов, И.Б.Рустамова, У.А.Шерипбоев., ”Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”-Т.: “Чўлпон”, 2017 й, 64-65-бет.
7. С.Р.Шарипов., “Ер тузиш асослари” ўқув қўлланма-“Тошкент”, 2019 й, 54-бет.
8. Чайанов А.В. Крестьянское хозяйство. Избранные труды. Редкол. сер Л.И.Абалкин и др.– М.: Экономика, 2014. – 62. Стр. – С.10.
9. Вермель Д.Ф., Исмуратова Г.С.. Особенности развития некоторых форм сельскохозяйственных предприятий.– Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий.//Ж.1./2016 г., стр.52-53
10. Самиева Г.Т. Дехқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификатсиялаш ёналиши: икт. фан. док. дисс. –Т.: УДК, 2019 й. 106-бет.
11. Хусанов Р.Қ. Қосимов М.Ч. Дехқон хўжаликлари юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: “Чўлпон”, 2000 й, 104-бет.
12. www. lex.uz